

Дунёнинг барча халкларида турли сабаблар билан ҳар хил иримлар шаклланган. Кишилар иримга кўра бирор нарсани, табиат ходисасини, тасодифий мослик ҳолатларини ҳосиятли ҳисоблайдилар. Ёки аксинча, баъзи вазиятларни, ёмон ном қозонган айрим шахсларни, баъзи хайвонларни ва ҳаттоки бегуноҳ ракамларни омадсизлик олиб келувчи, беҳосият омил санайдилар.

Гарбда қадимдан ўлмай келаётган (ва афсуски, бизда ҳам учраётган) ана шундай иримлардан бири - 13 сонини бахтсизлик келтирувчи сон деб ҳисоблашдир. Бу иримнинг сабаблари, тарихи ва моҳияти ҳусусида кўп гапириш мумкин. Келинг, тушунарлироқ бўлиши учун суҳбатимизни 12 сони билан боғлиқ маълумотлардан бошлаймиз.

«Чиройли» ва «муқаддас» сон

Бизда ҳозирда амал қиладиган ўнлик санок системаси ўзимизга жуда оддий, табиий ҳол бўлиб туюлади: иккита кўлимизда ўнта бармоқ бор-да. Яъни, нолдан тўққизгача - бир хонали сонлар, ўндан бошлаб тўксон тўққизгача икки хонали, юздан 999 гача уч хонали ва ҳоказо, ҳаммаси ўнликка асосланган. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлган эмас. Қадимдан турли халқлар санокда бешлик ва... ўн иккилик санок тизимига ҳам асосланишган. Унинг саналиши эса, битта кўлнинг тўртта бармоғидаги бўғинлар сонига асосланган. Бунда бош бармоқ ҳисобга олинмайди, чунки қолган бўғинларни унинг ёрдамида санаймиз.

Европада амал қилган бу тизимда саналадиган нарсаларнинг ўн иккитаси битта дюжина деб ҳисобланган, ўн иккита дюжина эса битта гроссни, ўн иккита гросс бўлса массани ташкил этган. Бу ҳол ўлчов бирликларида ҳам акс этган: инглизлардаги узунлик ўлчови - фут 12 та дюймга бўлинади, троя фунти 12 унцияга тенг.

Умуман, ўнликдан кўра ўн иккилик санокнинг афзал томонлариям бор: у биратўла тўртта сонга қолдиқсиз бўлинади: 2,3,4,6 сонларига. Ўрни эса факат иккита: 2 ва 5 сонларига қолдиқсиз бўлиш мумкин. Қундалик ҳаётда ҳам ўн икки сони жуда кўп учрайди ва турмушнинг ҳар хил соҳаларида унинг аҳамияти катта. Улардан энг муҳимларига бир эътибор беринг-а:

Вакт ўлчовларида: йил ўн икки ойдан иборат, сутка иккита (қундузги ва тунги) ўн икки соатга ажралади. Милли соатларда 12 та ракам акс этади, унинг дақиқани кўрсатувчи миля соат милядан 12 марта тез айланади. Мучал цикли 12 йилга тенг, буржлар ҳам ўн иккита...

Тиббиёт ва биологияда: одамда ўн икки жуфт қовурга мавжуд, ўн икки бармоқли ичак бор, сутəмизувчиларда 12 жуфт бош миə нервлари мавжуд.

Техникада: компьютер клавиатурасида 12 та функционал тугмача бор, тугмачали телефонларда ҳам 12 та тугмача мавжуд. Ёнг қучли автомобиль двигателлари 12

цилиндрли бўлади. Телевизион эфирнинг метрик диапазони ўн икки каналга бўлинади. Паст кучланишли электр куввати сакловчи батареялар 12 вольтгача кучланишли бўлади, зилзила кучи 12 балли шкалада ўлчанади ва хоказо.

Математикада ўн иккиннинг хайратга арзирли хислатлари кўп: фазода муайян шар атрофига худди шу ўлчамдаги шарлардан роппа-роса ўн иккитаси тегиб тура олади. Кубнинг ўн иккита кирраси мавжуд. Классик Миср учбурчагининг ўлчамлари 3:4:5 га тенг, яъни улар йигиндиси 12 ни ташкил этади.

Тарихда ҳам 12 сонининг роли катта: Қадимги Римда асосий конунлар «Ўн икки жадвал конунлари»га жамланган. Британларда парламентнинг ўзига хос кўриниши - Думалок Стол атрофида 12 нафар рицар бўлган. Францияда ҳам ўн икки нафар (олти нафар дунёвий, олти нафар диний) пэр бўлган. 1949 йилда ўн икки давлат бирлашиб НАТОни ташкил этишган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ Иттифокда 12 та шаҳарга «Қаҳрамон шаҳар» унвони берилган.

Қадимдан турли элатлар мифологиясида ва диний эътиқодларда ҳам 12 энг кўп ишлатиладиган сонлардандир: антик мифологияда 12 нафар Олимп маъбудлари бор, деб ҳисобланган, гарчи улар таркиби йиллар давомида турлича тушунилса-да, сони ўн иккилигича қолган. Юнон мифологик қаҳрамони Геракл ўн иккита жасорат кўрсатган. Пайгамбар Исо масихнинг 12 нафар хаворийси (яқин шогирди) бўлган. Монийлар эътиқодининг 12 та асосий конуни бўлган. Довуд юлдузи 12 бурчакка эга. Сулаймон ибодатхонасининг ўн икки қисми бўлган. Ёқуб пайгамбарнинг ўн икки нафар ўғлидан яҳудийларнинг 12 қавми таркаган. Мусо пайгамбар Фиръавн тақибидан қочиб бораётиб, ҳассасини Қизил денгизга теккизганида, сув чекиниб, 12 та йўл очилган. Буддизмда тирик мавжудотларнинг қайта тирилишлар жараёни 12 босқичдан иборат доира шаклида тасаввур қилинган. Насронийлик анъанасида Рождестводан кейинги ўн иккинчи кеча Худонинг намоён бўлиши байрами нишонланади. Православ мазҳабида ўн иккита муҳим диний байрам бор. Яҳудийлик анъанасига кўра қиз боланинг 12 ёшида «Бат-Мицва» маросими ўтказилади.

Адабиётда ҳам ўн иккиннинг тилга олиниши кўп учрайди: Шекспирнинг «Ўн иккинчи тун ёки ўзингиз биласиз» номли комедияси мавжуд. Александр Блок «Ўн икки» номли поэма, С.Маршак эса «Ўн икки ой» номли драматик эртак ёзганлар. И.Ильф ва Е.Петровнинг машҳур «Ўн икки стул»и ҳам бу рўйхатни беэаб туради. Хитой ёзувчиси Ли Юй каламига мансуб қиссалар тўплами «Ўн икки минора» деб аталади. Гай Светоний Транквилл «Ўн икки Цезарь ҳаёти» номли биографиялар тўпламини яратган. Тожиқ ёзувчиси Жалол Икромий 1968 йилда «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» номли тарихий асар ёзган. Умуман, бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин. Дарвоқе, машҳур илмий фантаст ёзувчи Герберт Уэллснинг «Ухлаётган киши уйғонганида» номли романида кишилар ўн иккилик санок тизимидан фойдаланишади.

Қинода ҳам ўн иккиннинг роли катта, сўзимизни қисқарок қилиш мақсадида айрим фильм номларинигина санаб ўтамыз: «Оушеннинг ўн икки дўсти», «Аламзада ўн икки эркак», «Ўн икки», «Ўн иккинчи куз», «Рождествонинг ўн икки қуни», «Ўн икки маймун» ва хоказо. «Ўн икки стул» асари асосида эса учта фильм ишланган.

Мусикада ҳам ўн икки сонини кўп учратамыз: октава ўн иккита полутонга бўлинади. Хор бўлиши учун қаида ўн икки нафар иштирокчи бўлиши талаб этилади.

Ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасида ҳам қадимдан ўн иккига эътибор қаратилган. Қадимги Римда «Ўн икки жадвали қонун» мавжуд бўлган. Анъанавий судда ўн икки нафар ҳакам қатнашади.

Кўриб ўтганимиздек, ўн икки сонига кадимданок катта ахамият берилган ва у шунга арзийди ҳам. Шу каби хусусиятларига кўра, ўрта асрлар Европасида математик олимлар уни энг чиройли дея таърифлашган, нумерология (сонларнинг гайриоддий, илохий хусусияти хакидаги таълимот) тарафдорлари эса 12 ни энг мукамал тартибли, хатто мукаддас ракам ҳисоблашган.

Тартибнинг бузилиши

Энди ўйлаб кўринг - шунчалик гўзал сондан кейин ҳеч бир ижобий хусусиятга эга бўлмаган: ҳеч бир сонга колдиксиз бўлинмайдиган, геометрияда бирор ахамиятсиз сон туриши хунук кўринмайдими кишига? Балки бизга ундай туюлмас, аммо ўрта асрларда европаликлар тафаккурида ўн уч худди шундай, ҳосиятсиз кўрина бошлаган. У ўн иккилик санок тизимидан ташкаридалиги учун ҳам мувозанатнинг бузилиши, бахтли тўпламдан ошиқчаси, деган маънода кишиларда ёмон тасаввур уйғотган. Бу эса ирим тусига кириб, иримчилар 13 ни хатто «Иблис дюжинаси» деб атайдилар. Америкалик журналист, ёзувчи ва психиатр Натаниэль Лакенмайернинг «Иблис дюжинаси. Бир ирим тарихи» китоби бу мавзуда кўплаб кизикарли маълумотлар беради. У мазкур иримнинг келиб чиқиши, яшовчанлиги ва таъсирини махсус ўрганиб, кизик маълумотларни баён этган. Унга кўра, бу иримнинг сабаблари ҳам кўп: сеҳр-жоду маросимларида айнан 13 нафар жодугар иштирок этган, скандинавияликлар мифологиясида ўн учинчи маъбуд - маккор Локки ҳисобланади, 13 февраль эса кадимий римликларда ҳар қандай ишни бошлаш учун бахтсиз кун саналган, карта билан фол очиш усули - тарода ўн учинчи карта «ўлим» маъносини беради ва хоказо. Македониянинг шонли подшоши Филипп 12 нафар олий маъбудлар хайкаллари ёнига ўн учинчи килиб ўз хайкалини ўрнатган ва тез орада ҳалок бўлган. Библиянинг «Апокалипсис» номли қисмининг 13-бўлимида эса Дажжол (Антихрист)нинг келиши билан бошлангандиган катта фалокатлар тасвирланган. Яҳудийлик диний-мистик таълимоти - Каббалада эса ёвуз руҳлар сони ўн учта дейилади...

Хурофот туфайли «болалаган» ирим

Маълумотларга кўра, ўн учни ёқтирмаслик бирданига пайдо бўлмаган, хатто ўрта асрларда инглизлар уни «нонвой дюжинаси» деб ҳам атаганлар. Сабаби - у пайтлари харидорларнинг ҳакидан уриб қолган савдогарлар каттик жазога тортилар, хатто қўли чопиларди. Шундан кўрккан ва харидорларни каттарок микдорда савдо қилишга рағбатлантириш мақсадида, нонвойлар бир дюжина маҳсулот олган миқдорларига бир дона қўшиб, ўн учга етказиб беришарди.

XIX асргача 13 сони билан алоқадор кўркув факат битта соҳада бўлган: европаликлар

дастурхон атрофида ўн уч киши ўтиришидан сакланганлар. Агар шундай бўлиб колса, улардан бири кейинги бир йил давомида вафот этади, деб ҳисоблашган улар. Бу иримнинг юзага келишига эса Исо масих ўз умрининг охири окшомида ўн икки нафар хаворийси билан бир дастурхон атрофида овкатланишгани, эртасига Исонинг хочга михланиши воқеаси сабабдир. Шунинг учун, агарда бирор ўтиришда тасодифан айнан 13 киши йигилиб қоладиган бўлса, яна бир кишини чакиришган. Кўпчилик Гарб мамлакатларида, масалан Францияда бунинг учун махсус агентлик ҳам ишлаган: муайян микдордаги пул эвазига улар «ўн тўртинчи меҳмон»ни етказиб беришган. Ўн тўққизинчи асрга келиб эса кишилар, қайси соҳада бўлмасин, умуман ўн учдан кўрка бошлашган. Аслида насронийликнинг ўзи ўн учга хамиша бахтли сон дея қараган, чунки у Исо ва унинг хаворийларини рамзий акс эттирган, асло уларнинг сўнгги окшомда бирга овкатланишларини эмас. Хозирда ҳам черков 13 сонидан кўркишни гуноҳ дея таъкидлайди, лекин одамлар ҳақиқатдан кўра хурофотга кўпроқ мойил бўлишлари сабабли бу ирим «болалаб» кетган...

Фан нима дейди?

Фанда ўн учдан кўркиш трискайдекафобия (ёки тердекафобия) деб юритилади. Унинг акси - 13ни ҳосиятли санаш эса трискайдекафилия дейилади (юнончада фобия - кўркиш, филия - севиш маъносини беради). Кейинчалик бу иримга яна бир ирим - жума кунини ҳосиятсиз санаш ҳам қўшилган (кўпчилик Шарк халқларида, мусулмон маданиятида жума муқаддас кун бўлса, Гарбда бунинг акси). Натижада, агар бирор ойнинг ўн учинчи куни жумага тўғри келса, у ўта беҳосият ҳисобланган ва ундан одамлар янада каттиқроқ кўркишган. Бу кўркув фанда параскаведекатриафобия (ёки фриггатрискайдекафобия) деб аталади.

Лакенмайер ҳамма жойдан бу иримлар изларини кидирган, турмушнинг ўн уч аралашган ҳар бир соҳасини текширган, мижозларидан суриштирган, ижтимоий сўров маълумотларига ҳам мурожаат қилган. Дарвоқе, Лакенмайернинг «Иблис дюжинаси. Бир ирим тарихи» китоби ҳам ўн уч бобдан иборат. Аникланишича, 2000 йилда «American Demographics» журнали кўп тарқалган ирим ва ишончларни тадқиқ этиб, қизиқ натижага эришган экан: жума кунига тўғри келган ўн учинчи сананинг беҳосият бўлишига америкаликларнинг роппа-роса ўн уч фоизи ишонаркан!

Бу иримларнинг ёйилишига маълум даражада бадиий адабиёт ҳам ўз «ҳисса»сини қўшган: 1907 йилда Томас Лоусоннинг «Жума, ўн учинчи сана» романи чоп этилган. У ўта катта муваффақият қозонган ва тез орада экранлаштирилган. Айнан Томас Лоусон туфайли «жума, 13»дан кўркиш ирими кенг ёйилган. Умуман, турли бадиий асарлар, кейинчалик бадиий фильмларда ўн уч сони, айниқса жумага тўғри келган ўн учинчи сана беҳосият қилиб тасвирланган ва бу ҳол иримчиларнинг сафи кенгайишига «хизмат» қилган.

Бу иримлар туфайли, XX аср бошлариданок Манхэттенда кўп қаватли уйлар факат 12 қаватгача бўлган. Шунингдек, асосан биржада иштирок этганлиги сабабли иримчи бўлиб қолган кишилар яшовчи Уолл-стрит кўчаси меъморлари ҳам биноларини бу қаватгача

олиб боришмаган. Казинолар шахри бўлмиш Лас-Вегас корчалонлари орасида ҳам шундай ишонч мавжуд: ойнинг ўн учинчи куни жумага тўғри келса, шу куни ўйинчилар катта микдорда ютиб олиб, казино эса ютказиб кўярмиш.

1939 йилнинг 12 октябр - пайшанба куни Индиана штатидаги Френч-Лик шахри маъмурий кенгаши шаҳар полицияси бошлиғига шундай буйрук берган: барча кора мушукларга кўнгирокчалар такиб кўйилсин, токи аҳоли шундай машъум кунда кора мушукка дуч келишдан эҳтиёт бўлсин. Ўша куни «Indianapolis News» газетасида чиккан мақолада бу ҳол шундай изоҳланган: «Кенгашнинг фикрича, кора мушукларсиз ҳам бу машъум кун келтирадиган бахтсизликлар бўлиб ётибди».

1953 йилда эса «The New York Times» газетаси шундай хабар берган: эмишки, жумага тўғри келган ҳар қандай ойнинг 13 санаси мамлакатга 250000000 доллар микдорида зарар етказармиш. Аммо мақолада бу рақам айнан қандай ҳисоблаб чиқарилгани изоҳланмаган.

Хосиятсиз ўн уч

Австриялик бастакор Арнольд Шёнберг трискайдекафобиядан азият чеккан. У ўн учинчи санада тугилган ва кизиги, шу санада оламдан ўтган. У ўн уч сонидан кўркканлиги сабабли ўзининг сўнгги операсини «Моисей да Арон» дея нотўғри номлаган, чунки унинг тўғри ёзилишида - «Моисей да Аарон» сўзида 13 та ҳарф мавжуд. Бир сафар у 13 рақамли ўйни ижарага олишдан қатъиян бош тортган. Композитор ўзининг 76 ёшга тўладиган кунидан қаттиқ кўрккан, чунки бу сондаги рақамлар йигиндиси - $7+6=13$ бўларди. Шёнберг 76 ёшидаги 13-сана жумага тўғри келишидан, яъни 1951 йилнинг 13 июлидан айниқса ваҳимага тушган. Миш-мишларга қараганда, ўшанда у кун бўйи ўлимини кутиб тўшакдан турмай ётган. Хотини уни бундай жинниликни бас этишга ундаб, ёнига борганида, Шёнберг «уйғунлик» деган ва... чинданам жон берган! Бу пайт соат кечки 11:47 эди, яъни бу сонлар рақамлари йигиндиси ҳам 13га тенг эди, тагин, кун тугашига 13 дақиқа қолганди.

«Аполлон-13» фазо кемасининг ҳалокатини ҳам кўпчилик унинг тартиб рақамига алоқадор, деб билади. У 1970 йил 11 апрелда, шарқий ёзги вақтга кўра 14:13 да 39-сонли (уч қарра 13) парвоз мажмуасидан учирилганди. Кема Ой орбитасига айнан 13 апрел куни чиқиши керак эди.

Испан мотопойгачиси Ангел Нието, ўзининг сўзларига кўра, 12+1 маротаба жаҳон чемпионатида голиб бўлган. Унинг ҳаёти тўғрисидаги фильм ҳам айнан «12+1» деб номланган.

Қанчалар галати бўлмасин, Фарбда ҳозиргача шу иримга кўпчилик қаттиқ ишонади. Шу сабабли ҳам айрим кўп қаватли биноларда 13-қават йўқ: ё 12 дан кейин 14-қават келади, ёки 12А ва 12Б қаватлар бўлади, баъзиларида 13-қават шунчаки «+1» дея белгиланади. Бу ҳолат уй рақамларига, театрлардаги ўриндиклар қаторларига, кема қаяталарига, самолётдаги қаторларга ҳам тегишлидир. АҚШдаги учувчиларнинг кўпчилиги иримчи бўлганлиги сабабли, уларда кетма-кет рақамланувчи қирувчи самолётларда ҳам ҳеч қачон Г-13 рақамлиси бўлмаган: YF-12 дан кейинги модель F-14 дея номланган.

«Формула-1» автопойгаларида ҳам 12-ракамли машинадан кейин 14-си келади.

Хосиятли ўн уч

Лакенмайернинг аниклашича, 13дан кўрқувчилар канча бўлса, уни ёктирувчилар сони ҳам шунча экан.

13дан асосан Шарқда: Хитой, Хиндистон, Индонезия, Япония, Корея, Саудия Арабистонида, шунингдек, Италияда умуман кўркишмайди. Каббалада бу сон хайрли ҳисобланади, яҳудийларда ўғил бола 13 ёшлигида «Бар-Мицва» маросими ўтказилади. Майя хиндуларида ҳам ўн уч муқаддас ва хосиятли сондир. Ацтекларда эса 13 - бу вақтнинг ракамидир, у замонда содир бўлувчи навбатдаги воқеа-ҳодисалар туркумини яқунлаб беради (ацтеклар ҳафтаси ўн уч кундан иборат).

Хитойчада 13 сонининг айтилиши худди «улгуриш керак» бирикмасига ўхшаб кетади, Гонконгда 13 омад келтиришига ишониб, телефон ракамлари ва бошқа ҳолатларда шу сонни олишга интилишади. Хинд мифологиясида 13 нафар Будда бор, деб ишонишади. 1880-йилларда АКШда бир гуруҳ фаоллар 13 дан кўркиш иримига чек қўйишга киришди. Фукарлар уруши фаҳрийси, капитан Уильям Фаулер «Ўн уч кишилик клуб» тузди, унинг аъзолари ҳар ойнинг 13-кунида йигилишиб, ҳар стол атрофида ўн уч киши ўтириб тушлик килишади. Уларнинг биринчи шундай ўтириши 1881 йил 13 январь - жума куни, соат 8:13 да, 13-ракамли хонада бўлган. 1880-йиллар ўрталарига келиб бутун Америка бўйлаб шундай клублар пайдо бўлди.

Мухим маълумот: АКШ дастлаб «Американинг ўн учта бирлашган штатлари» деб аталиб, унинг шиори ҳам 13та ҳарфдан иборат эди: «*pluribus Unum*» («Кўпчиликдан иборат яхлит»). XVIII аср охирида 13 сони бу янги мамлакатнинг мустақиллиги ва яхлитлиги тимсоли эди. Ҳар йили 4 июлда 13та штат шарафига ўн учта замбаракдан ўқлар отилган ва 13та қадах сўзи айтилган. 1791 йилда мамлакат таркибига 14-штат сифатида Вермонт қўшилган, бу анъана қолиб кетган. Дастлаб АКШ гербидаги бургутнинг ҳар бир қанотида ўн учтадан пат бўлган.

Композитор Арнольд Шенберг ўз ноталар қўлёзмаларида «13» ўрнига «12+» деб ёзган бўлса, опера хонандаси Лили Понс 13 сонини шунчалик севганки, бўлгуси куёвининг таклифини айнан 13 маротаба рад этган.

Машҳур шахматчи Гарри Каспаров 13 сонини ўзига бахт келтирувчи ҳисоблаган, ҳамиша 13-партияни ҳужумкор услубда ўйнаган. 1985 йилда жаҳон биринчилиги учун бўлган бахсда у Анатолий Карповни 13:11 ҳисоби билан енгиб, шахмат бўйича дунёда ўн учинчи чемпион бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида «С-13» сувости кемаси Болтик флотидаги энг омадли кема бўлган. Ўта хавфли жанговар операцияларни амалга оширган бу кема, унда хизмат қилганларнинг сўзларига кўра, бир неча бора «нак нариги дунёдан қайтиб келган».

Москва метрополитени очилган пайти унда 13 та бекат бўлган.

Азиз муштарий, ҳулоса чиқариш ўзингизга ҳавола: ҳўш, 13 сиз учун қандай сон?

Муаллиф: Хамидбек ЮСУПОВ